

Бошланғич Синф Ўқитувчиларини Ахборот-Таҳлил Компетентлигини Ривожлантириш

С. Х. Мейлиев¹

Аннотация: Мақолада бошланғич синф ўқитувчиларини ахборот-таҳлил компетентлигини ривожлантириш масалалари очиб берилган.

Ключевые слова: коммуникатив компонент, когнитив компонент, мотивацион қиймат компоненти, техник ва технологик компонент.

Мамлакатимизнинг таълим тизимида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар илғор хорижий таълим тажрибасини ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда таълим муассасалари шароитига мослаштиришнинг ижтимоий-педагогик ва дидактик хусусиятларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бугунги кунда компьютер ва ахборот технологияларини кўллаб бошланғич синф ўқув фанларини ўқитиш, шу билан бирга, таълим олувчиларни уларнинг мураккаб оламига олиб кириш ва ахборот маданиятини шакллантиришга қобилиятли ўқитувчиларни тайёрлаш долзарб масалалардан ҳисобланади. Улар ўқувчилар психологиясини яхши билиши, ўқитишнинг методик услубларига эга бўлиши ва ахборот коммуникация технологияларини яхши эгаллаган бўлиши керак. Ўқитувчининг касбий фазилатлари кўп жihatдан уларнинг ўз фаолиятида янги усуллар, методлар, ахборот коммуникация технологияларига асосланган билимлардан фойдаланишга тайёрлиги ва таълим самарадорлигини ошириш учун уларни ўз касбий тажрибаси билан уйғунлаштиришига боғлиқдир.

Таълимни жамият маданиятини ўзлаштириш асосида таълим олувчиларда фаолиятнинг турли соҳаларида шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни мустақил ҳал этиш қобилиятини ривожлантиришнинг махсус ташкил этилган жараёни сифатида қараш мумкин. Таълим мақсадини бундай тушуниш эса, ахборот-таҳлил компетентли ёндашувни рўёбга чиқариш учун асос яратади.

Илмий манбаларда ахборот-таҳлил компетентликнинг қуйидаги таърифини учратиш мумкин: шахснинг муайян таълим йўналиши ёки мутахассислиги бўйича олган, билим, малака ва кўникмалари ҳамда шаклланган шахсий ҳислатларини меҳнат фаолиятида муваффақиятли қўллай олиш қобилиятидир.

Ахборот-таҳлил компетентли ёндашувнинг асосий мақсади таълим берувчиларда бугунги ахборотлашган жамиятга муваффақиятли мослашишга асос бўла оладиган асосий компетенциялар мажмуасини шакллантириш ва уларни ривожлантиришдан иборат.

Янги авлод стандартларининг асосий мақсади замонавий педагог имижини яратишдир. Бу муаммони ҳал қилиш учун ўқитувчининг ўзи таълимнинг кўп масалаларида жуда малакали бўлиши керак: мақсадларни белгилаш, таълим йўналишларини лойиҳалаштириш, маълумотни излаш, таҳлил қилиш, ўзгартириш киритиш, қўллаш қобилиятлари ва ҳоказо. Шу сабабли бошланғич синф ўқитувчиларини ахборот-таҳлил компетентлигини ривожлантириш ва такомиллаштириш таълим тизимидаги энг муҳим вазифалардан биридир.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, тадқиқотимизнинг мақсади этиб бошланғич синф ўқитувчиларини ахборот-таҳлил компетентлигини ривожлантиришда уларнинг билим даражаси ва фаолият даражасини ўрганишни белгиладик.

¹ Низомий номидаги ТДПУ “Бошланғич таълимда математика ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси доценти



Ушбу мақсадга эришишда қуйидаги вазифа шакллантирилди: бошланғич синф ўқитувчиларини ахборот-таҳлил компетентлигини ривожлантиришнинг моделларини ўрганиш ва амалиётга жорий этишнинг усулларини аниқлаш.

Бизнинг нуктаи назаримизча, ахборот-таҳлил компетенция инсоннинг асосий малакаларидан бири бўлиб, биринчи навбатда, ахборот ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ турли хил муаммолар ва вазиятларни ҳал қилишда ўзини намоён қилади.

Фикримизча, ахборот-таҳлил компетентлик соҳасида ўқитувчининг функционал саводхонлиги (билим) даражаси қуйидаги билим ва кўникмаларни ўз ичига олади:

- ўқитиш ва ривожлантиришда компьютердан фойдаланиш имкониятларини билиш;
- бошланғич таълимни ташкил этишда компьютер ва ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш усулларига эга бўлиш;
- ўрганилган мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш ва ўз-ўзини назорат қилишни ташкил этишда компьютерни қўллашни билиш;
- ўқитишнинг ахборотли ва анъанавий технологияларини оптимал мослаштиришни билиш;
- ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишда компьютер ва ахборот технологиялари воситаларини қўллаш ва бошқалар.

Шубҳасиз, фақат ўқитувчининг функционал саводхонлиги таълим тизимидаги натижаларнинг сифат жиҳатидан ўзгаришига олиб келмайди. Фаолият даражаси юқори натижаларга эришиш учун таълим фаолиятида компьютер ва ахборот технологиялари соҳасида билим даражасидан самарали ва тизимли фойдаланиш керак.

Фаолият даражаси: амалга ошириш – маълум бир фаннинг мазмуни ва методологиясига қўйиладиган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилган ихтисослаштирилган медиа-ресурсларни ўқув фаолиятига киритиш; ижодий – ўзларининг электрон таълим воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда ахборот коммуникация қобилияти - каби шакллардан иборат.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, бошланғич синф ўқитувчисининг ахборот-таҳлил компетентлиги фаолият даражаси муҳотида қуйидаги таркибий қисмларни ажратиш керак: мотивацион-қиймат компоненти, когнитив компонент, коммуникатив компонент, техник ва технологик компонент ҳамда, акс эттириш компоненти.

Мотивацион-қиймат компоненти ўқитувчининг ўқув жараёнида ва дарсдан ташқари тадбирларда компьютер ва ахборот технолониялардан фойдаланишга бўлган қизиқишини, замонавий ахборот технологияларга мос келадиган педагогик технологияларни излаш истагини акс эттиради; замонавий ўқув жараёнида компьютердан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигига, тармоқдаги педагогик жамоаларда фаол иштирок этиш истагига ишонишни билдиради.

Бошланғич синф фанларини ўқитиш жараёнида ўқитувчиларни ахборот-таҳлил компетентлигини ривожлантиришнинг амалий тавсияларини келтириб ўтамыз:

- 1) ўқувчиларга мавзуларни электрон тақдимотларини яратиш, амалий машғулотлар учун машқлар тўплами ва тестлар ишлаб чиқиш;
- 2) ўқувчиларни мустақил ишларини ташкил этиш (online дарслар ва дарсликлар яратиш);
- 3) таълим жараёнини замонавий ҳолатда ташкил этиш ва қуйидаги янги ўқув-методик материалларини қўллаш: ўрганилаётган материалнинг мобилли, графикли, мультимедиали тизимлари; электрон ва тармоқли ўқув қўлланма ва ўқув-методик мажмуа; мультимедиали курслар, видеомаърузалар; билимларни тестдан ўтказиш ва баҳолаш тизимлари; интеллектуал тренажёрлар ва электрон машқлар тўплами; интерактив доскалар ҳамда виртуал ўқув хоналари ва бошқалар;



- 4) интернет технологияларидан фойдаланиш (интернет ресурслари билим бериш фаолиятини фаоллаштиради, ахборот маданияти ва тадқиқот кўникмаларини шакллантиради);
- 5) рақамли тасвирда матн, товуш, графика, фотосуратлар, анимация, видео имкониятларини бирлаштирадиган ва шу билан объектларни ва жараёнларни визуализация, тақлид қилиш, намоёиш қилиш имкониятларини кенгайтирадиган мультимедиа манбаларини яратиш ва улардан фойдаланиш;
- 6) ўқувчиларга маълумотларни етказишда Power Pointда тайёрланган электрон презентациялар шаклида дастурий маҳсулотларни яратиш.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз кераки, таълим тизимида бошланғич синф ўқитувчиларининг ахборот-таҳлил компетенциясини ривожлантириш бу бошланғич синф ўқитувчисига педагогик фаолиятни компьютер ва ахборот технологияга бой муҳитда самарали амалга ошириш имконини берадиган жараён бўлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Елдашева Г., Каримова Г. Таълим-тарбия технологиялари ва жаҳон тажрибаси // Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: ТДПУ, 2018.
2. Мельник Е.В. Содержание коммуникативной компетентности педагога // Психология и школа: науч.-практ. журнал. 2004. - №4.
3. Лебедева М.Б., Шилова О.Н. Что такое ИКТ- компетентность студента педагогического университета и как ее формировать?// Информатика и образование. - 2004. - №3. с. 95-101.
4. Большакова З.М., Тулькибаева Н.Н. Компетенции и компетентность // Вестник ЮУрГУ. - 2009. с.16-19.
5. Хеннер Е.К.: Формирование ИКТ компетентности учащихся и преподавателей в системе непрерывного образования. - М.: БИНОМ. Лаб. Знаний.- 2008. с.188.
6. Шамшурина А.А. Модель формирования информационно-коммуникационной компетентности будущего учителя // Известия РГПУ имени А.И.Герцена .- СПб. -2009. - №112. - с. 216.
7. <http://www.tdpu.uz>
8. <http://www.eduportal.uz>
9. <http://www.ziyonet.uz>

